Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 23-may, shanba, № 64 (3569)

■ Янгиликлар
■ Воқеалар
■ Хабарлар

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Маънавиятимизни асраб қолайлик!» мавзусидаги анжуманда санъаткор маънавияти ҳақида сўз борди.

МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ

Тадбирда хонанда ва раққосаларнинг кийиниш ҳамда ўзини тутиш маданияти борасидаги камчиликлар танқид остига олинди. Шунингдек, телебошловчиларнинг пардози ва кийиниш маданияти, эфирга узатилаётган турли сериал ва кинофилмлар, кафе ва ресторанлар, меҳмонхоналардаги мониторларда қўйилаётган клипларга жиддий муносабат билдирилди.

Тадбирда ёшлар маънавиятини турли салбий иллатлардан ишончли ҳимоялашга оид ишларни мунтазам тарзда таҳлил этиб, мувофиқлаштириб бориш, бу йўналишда тегишли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ойбек УЗОҚОВ

Тошкент Тиббиёт академияси 3-клиникаси Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан «Ҳамширалар –сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнидаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи» мавзусида тадбир ташкил этди.

ҲАМШИРАЛАР ТАНЛОВИ

ИИВ Маданият саройига 3-клиника ва стоматология клиникасида меҳнат қилаётган ходимлар таклиф қилинди. Клиника бош шифокори Ж.Ризаев йиғилганларни касб байрами билан қизғин қутлаб, 100 нафар яқин ҳамширага фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар топширди.

Шундан сўнг байрам муносабати билан «Ҳамшира-2015» кўрик-танлови ўтказилиб, ғолиблар муносиб рағбатлантирилди. Кўрик-танловнинг мутлақ ғолибаси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг махсус совғаси — телевизор билан тақдирланди.

— Ҳар йили ўтказиб келинаётган танловда қатнашган ҳамкасбларимга ҳавасим келарди, — дейди Гўзал Холиёрова. — Мана, бугун ниятимга етдим. Шу жараёнда янги дўстлар орттириш, улар билан тажриба алмашиш имконига эга бўлдим. Бу келгуси фаолиятимда ижобий натижалар беришига ишонаман.


Тадбирга санъаткорларнинг чиқишлари файз бағишлади.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

ЖАҲОН ГИМНАСТИКА ЮЛДУЗЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкент шаҳрида бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва “Happy Caravan — 2015” халқаро турнири бошланди. Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабида мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлди.





Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида ташкил этилган турнирларда иштирок этиш учун Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Россия, Латвия, Беларус, Болгария, Малайзия, Озарбайжон, Арманистон, Жанубий Африка Республикаси, Испания, Италия, Аргентина, Швейцария, Финляндия, Исроил ва бошқа мамлакатлардан энг кучли гимнастикачилар келган.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти Л.Каримова-Тиллаева халқаро мусобақаларни очиқ деб эълон қилди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда спортнинг қизларга хос турлари, айниқса, бадиий гимнастикани янада оммалаштириш, малакали мураббийлар тайёрлаш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган ғамхўрлик туфайли мамлакатимизда янги истеъдодлар, маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда, улар халқаро майдонларда Ўзбекистон шон-шавкатини янада юксалтирмоқда.

Гимнастика билан шуғулланиш инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллантириш билан бирга, унинг феълатвори, фазилатларини ривожлантиради, иродасини чиниқтиради. Ўзбекистон гимнастика федерацияси мамлакатимизда ушбу спортнинг барча асосий турлари — спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, трамполин, акробатикани оммалаштиришга доир изчил ишларни амалга оширмоқда. Давлатимиз кўмагида иқтидорли спортчиларни аниқлашга ёрдам бераётган минтақавий ва республика мусобақалари мунтазам ўтказилаётир.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида гимнастика билан шуғулланиш учун халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган марказлар ташкил этилди, уларда ҳар куни минглаб ўғил-қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг энг иқтидорлилари гимнастика бўйича ўсмирлар ва миллий терма жамоалар сафига жалб этилмоқда. Нафақат спорт комплекслари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари, балки умумтаълим мактабларининг спорт заллари ҳам замонавий гимнастика инвентарлари билан жиҳозланган.

2011 йилда Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби ташкил қилинди. Олимпиадага тайёрлаш маркази ҳисобланган ушбу мактаб Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари учун турли мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва йирик турнирларни ташкил этиш имконини бермоқда.

Жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, мураббийлар малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада истиқболли илмий ва тиббий янгиликларни ўрганиш, спортчиларни тайёрлаш, спорт ускуналарини ишлаб чиқариш — буларнинг барчаси спортни янада оммалаштириш, саломатлик омилига айлантиришга хизмат қилаётир. Ўзбекистон гимнастика федерацияси шу мақсадда Халқаро гимнастика федерацияси ва Осиё гимнастика иттифоқи томонидан ўтказилаётган халқаро форумларда фаол иштирок этиб келмоқда. Илғор тажрибани оммалаштириш учун пойтахтимиз ва вилоятларда халқаро ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирокида мураббийлар ва ҳакамлар учун семинарлар мунтазам ташкил этилмоқда.

— Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга жалб қилишга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор, — дейди япониялик мураббия Ока Куруми. — Барча шаҳар ва туманларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида қизлар спортнинг бир неча тури билан шуғулланиб, соғлом бўлиб улғаймоқда, катта спортга қадам қўймоқда. Мамлакатингизда бадиий гимнастика тез ривожланмоқда. Ўзбекистон гимнастикачилари халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётгани, юртингизда нуфузли турнирлар мунтазам ташкил этилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

(Давоми 6-саҳифада).

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Юртимизда ёши улуғ инсонларга ҳурмат-эҳтиром, ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш азалий қадриятларимиздан саналади.

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани ва мазкур йўналишда Давлат дастури қабул қилингани мамлакатимизда кекса авлод вакилларининг турмуш кечириши учун ҳар томонлама шароит яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада юксак поғонага кўтарди. Бу муҳим жараёнда касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкил этган матбуот анжуманида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар кенг таҳлил этилди.

(Давоми 2-саҳифада).

ТАЪТИЛ — 2015

БАХТЛИ БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Болаларни ёзги соғломлаштириш йўналишида олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги тажрибаси, ўз навбатида, халқаро экспертлар ва нуфузли ташкилотлар томонидан мунтазам эътироф этилаётир. Зеро, давлат ва жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини болаларни сифатли дам олдириш ҳамда соғломлаштиришни таъминлашга йўналтириш амалиёти дунёнинг камдан-кам мамлакатида мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги қарори билан ушбу йўналишдаги ишлар тизимлилигини таъминлаш мақсадида Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича доимий фаолият юритувчи Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи ташкил этилгани айни муддао бўлди. Республика ва ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар аъзолари ҳар бир ҳудудда мавсумнинг намунали ҳамда уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда.

(Давоми 6-саҳифада).

МУНОСАБАТ

Мустақиллик йилларида халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, хусусий мулк, тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Тадбиркорликни ривожлантириш натижасида эришаётган ютуқларимиз халқаро мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ислоҳотларнинг изчил давоми бўлди. Мухбирларимиз юртимиздаги тадбиркорлик соҳаси вакилларининг шу тўғридаги фикрлари билан қизиқди.

СУЯНГАН ТОҒИНГ БЎЛГАЧ...

Феруз ҚЎЛДОШЕВ,
Когон шаҳридаги “Когон ФерҲилол” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Мутахассислигим бўйича ҳисобчи-иқтисодчиман. Юртимизда яратилаётган шароитлардан фойдаланиб, кичик корхона ташкил этдим ва 2012 йили Голландия технологияси асосида пишлоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Кейинчалик иш ҳажмини кенгайтириб, Россия ва Хитойдан замонавий ускуналарни харид қилдик. 10 турдан ортиқ колбаса маҳсулотлари тайёрлашни ташкил этдик. Маҳсулотларимиз харидоргир. Президентимизнинг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган амалий вазифалар жамоамиз аъзоларига жуда манзур бўлди. Айниқса, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш борасида кенг имкониятлар яратиш белгилангани эртанги кунга ишончимизни янада оширди.

Фармонга асосан истиқболли режалар белгиладик. Шаҳар ҳокимлиги ер ажратиб бериши билан корхонамизнинг янги биносини қуришга киришамиз. Шахсий маблағимиз ва банк кредити эвазига хориждан замонавий технологияларни келтирамиз. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини янада яхшилаш, коллеж битирувчиларини сафимизга қўшиш ҳисобига ишчи ўринларини янада кўпайтиришга имкон беради. Хуллас, мулкдор ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мазкур ҳужжат келажагимиз истиқболи учун кенг йўл очишига ишончим комил.

Фазлиддин МУРТОЗОВ,
“Фазлиддин келажак савдо” МЧЖ раҳбари:

— Қашқадарёда пойабзал ишлаб чиқарувчи корхона ташкил қилиш фикри менда 2010 йил туғилган эди. Андижонга бориб, уч йил давомида пойабзал тайёрлаш сирларини ўргандим.

2013 йилда Хитойдан технология олиб келиб, мавсумий пойабзаллар ишлаб чиқара бошладик. Ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган имкониятлар натижасида ишимиз тез ривожланди. Айни пайтда терини қайта ишлаб, MZB ёрлиғи остида эллик хилдан зиёд эркаклар пойабзали тайёрлаяпмиз. MZB — бу “маҳсулотимиз замонавий бўлади”, деган яхши ниятга ишора эди. Шукурки, шиоримизда ўзимизга белгилаган мақсадимиздан оғишмай келяпмиз. Пойабзалларимиз пойтахт ва воҳа бозорларида ўз харидорига эга бўлди. Ишчиларимиз орасида касб-ҳунар коллежи битирувчилари бор. Шу боисдан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган “Ташаббус” кўрик-танловининг Қарши шаҳар босқичида “Энг кўп ёшларни иш билан таъминлаган тадбиркор” номинацияси бўйича ғолиб бўлдик. Яқиндагина Президентимизнинг кичик бизнес ривожига қаратилган навбатдаги Фармони мени янада руҳлантирди. Шу кунларда корхона ишини кенгайтириш учун нол қийматдаги жой излаяпмиз. Бу масалада вилоят ва шаҳар ҳокимликларига ёрдам сўраб мурожаат ҳам қилганмиз. Бинога эга бўлсак, хориждан технологиялар олиб келиб, маҳсулотлар турини кўпайтириш, трикотаж маҳсулотлари, эркаклар костюм-шимини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаси бор. Ўнлаб қўшимча янги иш ўринлари яратилади.

Гавҳаржон МАТНАЗАРОВА,
Қўшкўпир туманидаги “Фоиз” хусусий корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз 2001 йили ўз фаолиятини бошлаган. Бугунги кунда ўттиздан ортиқ сифатли, кўркам ва бежирим маҳсулотларимиз билан маҳаллий бозордан ўз ўрнимизни топганмиз. Корхонамиз замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Ишчилар учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Йилига ўртача 600 млн. сўмлик тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эгамиз. Ҳар йили ўтказиладиган республика саноат ярмаркалари ва корпорация биржаларида фаол иштирок этиб келмоқдамиз. Ички бозор талаб ва истакларини ўрганган ҳолда аҳоли эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳоратли, тажрибали тикувчиларни иш билан таъминлаш асосий мақсадларимиздан. Ҳар йили туманимиздаги касб-ҳунар коллежлари талабалари корхонамизда амалиёт ўтайди. Уларга тажрибали тикувчиларни бириктириб қўямиз. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида буюртмалар кўламини оширишга ҳаракат қиламиз.

Суянган тоғинг бўлса, қийин ишлар ҳам осонгина ечим топади. Бизнинг ана шундай суянчимиз — мустақил юртимиз, муҳтарам Президентимиз бор. Ҳар сафар эл-юртга наф келтирадиган бирор ташаббусни бошлаганимизда ана шу ғамхўрлик, қўллаб-қувватлашни сезиб турамиз. Яқиндагина эълон қилинган Президентимизнинг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жорий йил коллежни битираётган ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил қилиш бўйича хайрли иш бошламоқчи бўлиб турган пайтимизга тўғри келди. Корхонамизда ўтказилган «Маънавият соати»да барча ишчиларимиз билан биргаликда Президентимиз Фармонини ўқиб-ўргандик. Бу Фармон биз, тадбиркорлар учун узлуксиз равишда яратиб келинаётган имкониятлар кўлами янада кенгайтирилиши кафолатидир.

Ўз мухбирларимиз

2015-yil 23-may, shanba, № 64 (3569), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарияти ва масъул ходимлари, Федерация Кенгаши тасарруфидаги Санатор-курортлар бошқармаси мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, юртимизда кексаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш ҳамда улар ҳаёти мазмуни ва сифатини ошириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг "2015-2020 йиллар мобайнида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори лойиҳалари тайёрланиши жараёнида Федерация Кенгаши тегишли таклифлар билан иштирок этмоқда. Шунингдек, қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва бу борада турли семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бундан ташқари, касаба уюшмаларининг "Ишонч телефон"лари орқали кекса ёшдаги фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилнинг 4 ойи давомида 100 нафарга яқин кексаларга шу турдаги хизматлар кўрсатилди.

Маълумки, Давлат дастурида кексаларни, энг аввало, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш вазифалари алоҳида ўрин эгаллаган. Мазкур йўналишда касаба уюшмалари томонидан уруш қатнашчиларига бир марталик манзилли моддий ёрдам кўрсатиш, уларни маиший техника, зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уй-жой шароитларини яхшилаш учун ижтимоий кўмак кўрсатиш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси эълон қилиниб, унинг доирасида уч минг нафарга яқин уруш қатнашчиларига 300 минг сўмдан пул мукофотлари топширилди. 23 минг нафар ёлғиз кексага озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, уй-жойини таъмирлаш, коммунал хизматларга ҳақ тўлаш кўринишида ижтимоий кўмак кўрсатиш режалаштирилган бўлиб, бугунгача улардан 8 минг нафарига жами 615 млн. сўмлик моддий ёрдам берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Давлат дастурига мувофиқ жорий йилда мамлакат миқёсида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари соғломлаштириладиган 37 та санаторий рўйхати тасдиқланган бўлиб, уларнинг 15 тасини касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳлар ташкил этади. Дастур доирасида тизимдаги ушбу санаторийларда фахрийларни давлат бюджети ҳисобидан сифатли ва самарали соғломлаштириш учун барча зарур қулайликлар яратилиб, "Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлимлари" ташкил этилди. Мазкур бўлимлар энг замонавий юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Йил давомида ўн минг нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрийларини давлат бюджети ҳисобидан соғломлаштириш кўзда тутилган.

Эътиборлиси, санаторийларда яратилган шарт-шароитлар ва сифатли хизмат кўрсатиш Касаба уюшмалари Федерацияси қошида ташкил этилган идоралараро Республика ишчи гуруҳи томонидан доимий назоратга олинган.

— Касаба уюшмалари томонидан Давлат дастури доирасида 6 минг нафар ишлайдиган пенсионерлар ҳамда уйда қарилик гаштини сураётган нуронийлар, меҳнат фахрийларини бепул ва имтиёзли соғломлаштириш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунгача тизимдаги санаторийларда қарийб 2 минг нафар шу тоифадаги кексалар соғлиги тикланди, — дейди Федерация Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Касаба уюшма санаторийлари атрофида жойлашган маҳаллаларда яшовчи ёши улуғ инсонларни тиббий ташхисдан ўтказиш, соғломлаштириш муолажаларини амбулатор шароитда ўтказиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бугунгача республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган шу тоифадаги инсонларни санаторийларда амбулатор даволаш учун 10 млн. 500 минг сўм маблағ йўналтирилди. Шу билан бирга, ҳар бир ҳудуддан 30 нафардан, жами 420 нафар кексалар ва жисмоний имконияти чекланган инсонларни ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари, хусусан, ногиронлик аравачалари билан бепул таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, «Кексалар дуосини олайлик» акцияси доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар яшаётган оилалардан 2 минг нафарига 1 млрд. 500 млн. сўмлик электр-маиший техника товарларини бепул бериш режалаштирилган бўлиб, бу саховат тадбирлари манзилли тарзда амалга ошириляпти.

Матбуот анжуманида жамоа шартномалари орқали 29 минг нафар пенсия ёшидаги инсонларни пенсияга чиқиши ҳамда юбилей саналари муносабати билан моддий ва маънавий рағбатлантириш, 55 минг нафар ишламайдиган пенсионерларни илгари ўзлари меҳнат қилган корхона ва ташкилотлар орқали моддий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилганлиги ҳам айтиб ўтилди. Бугунгача иш берувчилар ва касаба уюшмалари томонидан қарийб 19 минг нафар пенсия ва юбилей ёшидаги меҳнаткашларга 5 миллиард сўмликдан зиёд қимматбаҳо совғалар топширилиб, моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, барча ҳудудлардаги меҳнат жамоаларида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур ва ўзини англаш ҳиссини шакллантириш мақсадида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида "Сиз доим эъзоздасиз", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Кексаларни ардоқлаган юрт" мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат — корхона, ташкилот ва муассасаларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари қошида "Фахрийлар кенгаши" ташкил этилиб, кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олинмоқда. Уларнинг бой ҳаётий тажрибаси ёшларни шукроналик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

— Давлат дастурида нуронийларнинг ҳаёт кечириши ва ҳордиқ чиқаришини ташкил этишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш тадбирларини амалга ошириш алоҳида йўналиш сифатида белгиланган, — дейди ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова. — Бу борада касаба уюшмалари томонидан 560 нафар фахрийнинг театр, концерт ва бошқа маданий тадбирларга ташрифини ташкил этиш режалаштирилгани ҳолда, Наврўз ҳамда Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамлари арафасида 1400 нафарга яқин кексалар шундай тадбирларга жалб этилди. Шунингдек, меҳнат жамоаларида ўтказилаётган "Маънавият соатлари"да йил дастурининг мақсад ва моҳияти кенг тарғиб этилмоқда. Фахрийлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ўтказилаётир. Ҳаваскор велоспортчилар ўртасида бўлиб ўтган "Касаба-тур" веломарафонининг барча босқичларида 300 нафардан ортиқ меҳнат фахрийлари ва ёши улуғ инсонлар иштирок этди.

Айтиш жоизки, Давлат дастури асосида касаба уюшмалари томонидан 1000 нафар кексанинг республикамизнинг тарихий шаҳарларига ва диққатга сазовор жойларига саёҳатларини уюштириш режалаштирилган. Бугунгача 935 нафар отахону онахон, уруш ва меҳнат фахрийлари учун Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарларининг тарихий ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилди.

Анжуманда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёти сифатини оширишда улкан ижтимоий аҳамиятга эгалиги, бу каби хайрли ишлар йил давомида изчил давом эттирилиши алоҳида таъкидланди. Журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ХАСАНОВ олган сурат

ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

Касаба уюшмалари саъй-ҳаракати ва ташаббуси тўлалигича юрт равнақи ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қаратилган бўлиб, муносиб меҳнат, меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқий ҳимоя сингари устувор омиллар кўринишида намоён бўлмоқда.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ БИЛАН

Тизимда намунали саналган Хатирчи туманида тармоқ бўйича ўтган йил якунига кўра, жамоамиз "Энг намунали бошланғич ташкилот" деб топилди. Иш юритувимизга берилган муносиб баҳо зиммамизга улкан масъулият юклайди, албатта.

Иш берувчи билан 2014-2017 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасида 530 кишилик жамоа манфаатлари қамраб олинган. Жорий йил февралида ҳар бир ишчи-ходим учун махсус кийим-бош тарқатилди. Меҳнат муҳофазаси учун зарур ҳимоя жиҳозлари ўрнатилиб, ёнғин, электр ҳамда ускуналардан бехавотир фойдаланиш талаблари батафсил ўрганиб чиқилди.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан тизимда кўп йил ишлаб, нафақага чиққан ҳамда кекса ёшдаги ишчиларни қўллаб-қувватлаш режалаштирилган. Ўтган ойда қарилик нафақасига чиққан заводимиз фарроши Замира Мавлонова ва унинг оиласига кўмак берилган бўлса, яна бир ходимимизга саломатлигини тиклаши учун "Умид гулшани" санаторийсига бепул йўлланма ажратилди.

Қарилик гаштини сураётган 8 нафар ишчи-ходимнинг ҳар бирига манзилли моддий ёрдам кўрсатилди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 50 нафар кекса ёшдаги касбдошлар учун дийдорлашув тадбири уюштирилди.

Ўтган йил меҳнат жамоамиз фарзандларидан 25 нафари тизим тасарруфидаги "Нимкон" болалар оромгоҳида бепул дам олдирилган эди. Бу йил ички имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда бепул дам олувчи болаларни 30 нафарга етказмоқчимиз. Шунингдек, Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларига бепул саёҳат ташкил этган эдик. Яқин кунларда азим пойтахт бўйлаб икки кунлик саёҳат уюштирмоқчимиз.

Усмон ХОЛИҚОВ,
Хатирчи "Пахта тозалаш" АЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА — ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР ЙИЛИ

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК
МУВАФФАҚИЯТ АСОСИ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Йиғилишда туман кенгашининг раиси Дилнора Ўлмасова сўзга чиқиб, ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритди.

Маърузада туман кенгаши томонидан аъзоларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Жумладан, ҳисобот даврида жамоа шартномаларида кўзда тутилган қўшимча имтиёзлар ҳисобидан ҳар бир ходимга 3-5 кундан иборат қўшимча таътил берилди. Кам таъминланган оилаларга 53 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари уюштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг 343-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Мухлиса Орипова, Ўзбек давлат цирки касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Холмирзаев, 41-спорт мактаби раҳбари Шерзод Зиёматов сўзга чиқиб, касаба уюшма фаолиятини яхшилаш борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар конференциясига делегатлар сайланди.

Дилнора Ўлмасова тармоқ касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири



Икром ХАСАНОВ олган сурат

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрихон туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда бошланғич ташкилотлардан 65 нафар делегат иштирок этди.

ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Туман кенгаши 114 та ташкилот, 1150 нафар касаба уюшма аъзосини ўз сафига бирлаштирган. Ўтган даврда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга соғлом ва бехатар меҳнат шароити яратиб бериш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Касаба уюшма аъзоларини соғломлаштириш, улар ўртасида маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича бир қатор ютуқларга эришилди.

Жамоа келишуви ва шартномаси бандларининг бажарилиши орқали ходимлар манфаатдорлиги ортди. Биргина ўтган йилда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига 4 млн. 807 минг сўмлик ижтимоий кўмак берилди.

Ҳисобот даврида жами 68 дона умумий қиймати 51 млн. сўмлик санаторий йўлланмалари олинди. Шундан 11 нафар ишчи хизматчиларнинг ота-оналари дам олдирилди. Кенгаш меҳнат муҳофазаси комиссияси томонидан ташкилотлар фаолиятини ўрганиш натижасида жойлардаги хато ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди, хавфсиз меҳнат шароити яратилди.

Ҳисобот юзасидан сўз чиққан "Cenas textile" МЧЖ Хитой хорижий корхонаси БКУҚ раиси Аъзамжон Холиқов, Шаҳрихон туман «Smart Media Shaxrixon» МЧЖ БКУҚ раиси Шерзодбек Йўлдошев ва бошқалар туман кенгашининг фаолиятини ижобий баҳоладилар.

Конференцияда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Б.ҲАМДАМОВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ

Сирдарё вилоятидаги 13,9 минг гектар томорқа майдонларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган 81 та «Агрофирма» ташкил этилди.

КАСАНАЧИГА МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ

Агрофирмалар ёрдамида парранда, қўй-эчки, қорамол, сабзавот, картошка ва полиз уруғлари, мевали кўчатларга аҳоли эҳтиёжи аниқланиб, ушбу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан 44,1 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари ажратилди.

Энг муҳими, етиштирган маҳсулотини агрофирмага сотаётган касаначи агрофирма ходимлари каби тенг ҳуқуққа эга. Унга ҳам меҳнат дафтарчаси юритилиб, зиммасига юкланган хизмат вазифаси ёзиб борилади. Агрофирма касаначининг иш ҳақидан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳисобига оймаой бир фоиз маблағни ўтказади. Бу эса келгусида касаначининг ижтимоий ҳимояси ва пенсия таъминотини кафолатлайди.

Кучли шўрланган, мелиоратив ҳолати оғир ер шароитида ишлаш ва томорқадан катта ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Президентимизнинг «2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги Фармойиши бу борадаги эзгу ишларга қанот бағишлади. Айни кунларда ушбу муҳим ҳужжат ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Анорбой НОРҚУЛОВ

НОДАВЛАТ СЕКТОР

Касаба уюшмаларига жалб этиш масаласи изчил фаолият юритишни тақозо этади. Жорий йил бу борада салмоқли қадамлар қўйилди. Жумладан, собиқ Жиззах пайпоқ тўқув фабрикаси биносида улкан таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, «Жиззахпластекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси иш бошлади ва кўп вақт ўтмай корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 745 нафар ишловчи аъзоликка қабул қилинди.

«НАРГИЗА — ТЕКС» ПАРИЖГА БОРАДИ

Шунингдек, Зомин туманидаги "Мирза Ҳабибов Жавлонбек", Фориш туманидаги "Фортех" хусусий корхоналарида, вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси қошида ҳам бошланғич касаба уюшмалари тузилиб, иш берувчилар билан имзоланган жамоа шартномаларида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари тўла кафолатланди.

«Наргиза — текс» МЧЖ ҳам шулар сирасидан. Жамият Япониянинг «Juki» компаниясидан келтирилган 126 та энг сўнгги русумдаги замонавий тикув машинаси билан жиҳозланган бўлиб, асосан болалар учун трикотаж



кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Айни пайтда 185 нафар ишчи-ходим ҳар сменада беш минг дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқармоқда.

— Ишчи-хизматчиларга қулай шарт-шароитлар яратилишига, иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишига жиддий эътибор қаратяпмиз, — дейди МЧЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Шаҳноза Қоратоева. — Бу эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлиги ортишига хизмат қилаётир. Натижада, сифатли, харидоргир маҳсулотларимизга ички бозордагина эмас, балки хорижда ҳам қизиқиш пайдо бўлди.

Дарвоқе, "Наргиза — Текс" масъулияти чекланган жамияти Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган "Лидерлик учун юлдуз" танловида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлгани ҳам бежиз эмас. Шу йилнинг 27-28 июн кунлари Парижда бўлиб ўтадиган ушбу тадбир тақдимоти ҳамда 19-халқаро Конвенцияда жамият вакиллари ҳам иштирок этади.

Мамадали ҚУЛБОЕВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

2015-yil 23-may, shanba, № 64 (3569), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — касаба уюшмалари асоси

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ЕТАКЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ҲАЛОВАТ — БЕҲАЛОВАТЛИКДА

Масъулиятни зиммага олиш, ҳаловатдан кечиш чинакам фидойиларга хос хусусият. Булунғур туман маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ижтимоий ва гуманитар фанлари кафедраси мудири Раҳматулла Эшмуродов ана шундай одамлар сирасига киради.

Беш йил илгари жамоа йиғилишида уни бошланғич касаба уюшма ташкилотига етакчи қилиб сайлашди. Илк қилган иши жамоа шартномасига қўшимча бандлар киритиб, муҳокамага қўйиш бўлди. Фикрлар умумлаштирилиб, маъмурият билан шу ҳужжат асосида ишлашга келишиб олинди.

— Дастлаб асосий ишдан вақт ортириш анча мушкулдек туюлди, — дейди Раҳматулла Эшмуродов. — Ҳамкасбларим юмушни тугатиб уйга отланганида мен касаба уюшма ҳужжатларини қайта-қайта кўздан кечириш, режалар белгилаш, турли тадбирларни ташкиллаштириш устида бош қотиришга мажбур эдим. Изга тушиб олгунча анча тер тўкишга тўғри келди. Касаба уюшма етакчиси хонасини жиҳозладик. Бу ерда бўлган киши жамоат ташкилоти мақсад ва вазифаларидан хабар топиши учун шарт-шароит яратишга ҳаракат қилдик. Кўпчилик касаба уюшмани йўлланмалар билан таъминлайдиган, буйруққа розилик имзосини чекадиган ташкилот сифатида билар экан. Жамоадаги ана шу тасаввурни йўқотишга интилдим.

Ҳамкасбларнинг оилавий аҳволи билан танишув кўп нарсага ойдинлик киритди. Масалан, фаррош Маърифат Эргашеванинг қизчаси касаба уюшма оталиғига олинди. Маъмурият ҳам қараб турмади. Икки томонлама ёрдам асқотди. Уйида ўқитилиши устидан назорат ўрнатилди. Она хурсанд. Кўнгли бўлинмасдан вазифасини илгаригидан ҳам аъло бажара бошлади. Бундан ташқари, коллежда ишлаб айни пайтда қарилик гаштини сураётган Пўлат Мамасолиев, Анорбой Усмоновлар ҳам моддий-маънавий қўллаб-қувватланди.

Тиниб-тинчимас етакчи маъмурият билан келишган ҳолда жамоа аъзоларини моддий рағбатлантиришнинг турли усулларини қўллаб келаётир. Мана бир неча йилдирки, эҳтиёжманд оила вакиллари вақтли матбуотга касаба уюшмалари ҳисобидан обуна қилинаётир. Бу йил ҳам уч нафар ходимга шундай марҳамат кўрсатилди.

— Раҳматилла ака иш берувчи билан тил топа оладиган ташкилотчи. Маъмуриятга ҳар бир ишни ётиғи билан етказиб, ҳар қандай масалани касаба уюшма фойдасига ҳал қила олади, — дейди коллеж директори ўринбосари Шерзод Баҳромов. — Ҳеч қачон ўринсиз талаб билан чиқмайди. Бирор мурожаатни эътиборсиз қолдирган эмас. Моддий томондан касаба уюшма имкони етмаган масалаларни маъмурият билан келишган ҳолда ҳал этиб келаётир.

Етакчига осон эмас. 121 нафар ўқитувчи, 1044 нафар ўқувчи кўнглига йўл топиш лозим. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти техник ходимларни коржомалар билан таъминлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Ҳафтанинг муайян кунларида хавфсизлик техникаси бўйича ўқув ташкил этилади. Ҳафтанинг яна бир куни "Маънавият соати" учун белгилаб олинган.

— Касаба уюшмаларининг амалиётга ходимлар гимнастикасини олиб кириши айни муддао бўлди, — дейди Раҳматилла Эшмуродов. — Кўрсатилган тавсиялар асосида машғулотга вақт ажратаяпмиз. Бу ходимларнинг саломатлиги учун катта фойда беришига шубҳа йўқ.

Ўтган йилда ўн нафар аъзо мамлакатимиздаги турли сиҳатгоҳларда ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Бу йилги ёзги таътилда дам олиш истагида бўлганлар рўйхати шакллантирилиб, буюртмалар ҳозирланмоқда. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув амалиётини ташкил этиш, ишга жойлашиш жараёни етакчи эътиборида.

Ҳаракатчан, ҳар жабҳада хамкасбларига ўрнак бўлаётган Раҳматилла Эшмуродов яқинда жамоанинг умумий йиғилишида ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ҳисобот берди. У бир овоздан яна касаба уюшма ташкилоти раҳбарлигига сайланди. Жамоа ишончи жонкуяр етакчини янги ташаббусларга ундайди, албатта.

Мамашариф НЕЪМАТОВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Булунғур туман кенгаши раиси







ЎзА суратлари

ФАМХЎРЛИК

Яхши фарзанд тарбиялаш, у орқали иззат-икромга сазовор бўлиш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Биз ҳам ўғлимиз Шерали Холбековни ҳеч кимдан кам бўлмасин, дея елдик-югурдик. Меҳнатларимиз зое кетмади.

БЕҲАД МИННАТДОРМАН

Тиббиёт институтида таҳсил олиб, шифокор бўлди. Айни пайтда Самарқанд шаҳридаги 5-оилавий поликлиникада ишлаяпти. Тез-тез хабар олиб туради. Ўғлим бир келганида, сизни яхши бир сиҳатгоҳда дам олдиришим керак, деб қолди. Қўлида бир энлик қоғоз. "Мана, ота, орзуим ушалди. Касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмаси билан дам оладиган бўлдингиз," деди. Ўғлим дилидаги гапни поликлиника бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Замира Қосимбековага айтибди. Етакчи таклифини Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси маъқуллаб, ходимнинг отасига тааллуқли ҳужжатларни етказиб беришни сўрайди. Хуллас, касаба уюшма ёрдами билан Абу Али ибн Сино номли сиҳатгоҳда дам олдим. Ширинсўз шифокорлар, лаззатли таомлар, шарт-шароит дардимга малҳам бўлди.

Меҳнаткашлар ва улар оиласи саломатлиги учун жон куйдираётган жамоат ташкилотидан беҳад миннатдорман.

Раҳмон ХОЛБОЕВ,
меҳнат фахрийси

ЭЪТИРОФ

РАҒБАТНИ ҲИС ЭТИБ

Нафақат ўзим, балки бир сафда хизмат қилаётган 328 нафар кишининг ҳар бири буни тасдиқлайди.

Иш берувчимиз меҳнаткашларга яратиб берилиши лозим бўлган шароит ҳақида ўйлагани боис касаба уюшма ташкилоти тузилишини ёқлаб чиқди. Бу ерда хизмат қилаётган барча ходим манфаати жамоа шартномаси орқали ҳимоя қилиб келинаётир. Биргина ўтган йилда касаба уюшма томонидан уюштирилган қатор саломатлик тадбирларида иштирок этдик. Ҳар бир ходим корхона маблағи ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилди.

Сифатли таъмирланган 140 ўринли ошхонада бепул тушлик уюштирилган. Жамоа шартномасига мувофиқ, меҳнат таътилимизга 6 кундан 12 кунгача ҳақ тўланадиган қўшимча дам олиш берилаётир. Оиламизга йил давомида етадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш учун қўшимча маблағ ажратиб келинмоқда. Ҳар байрамда мукофот, эҳтиёжмандларга кўмак кўрсатиб келинаётир. Буларнинг ҳаммаси иш берувчи хайрихоҳлиги, касаба уюшма ташаббуси туфайлидир. Меҳнатим қадрига етаётган корхонага меҳрим баланд. Муносиб иш ва турмуш шароити яратишга бор имкониятини сафарбар этаётган касаба уюшма қўмитасига раҳмат.

> Қаердаки ишлаш учун шароит бўлса, бажариладиган юмушдан кўнгил тўлса, ўша ернинг қут-баракаси бўлади. Мен меҳнат қилаётган жамоа ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

Ирина БЕЗГАЛИЕВА,
"Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси" хорижий корхонаси ишчиси

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

ИШ БЕРУВЧИ ХАЙРИХОҲ БЎЛСА

Ходимларнинг кафолатланган, зарарсиз иш жойида фаолият кўрсатишига меҳнат муҳофазаси устидан назорат олиб борувчи вакил масъулдир. Жамоатчилик асосида бажариладиган бу вазифа масъулиятли бўлиш ва албатта, хавфсизлик техникасидан бохабарликни талаб этади.

Тан олиш керак, маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилотининг қўллаб-қувватлаши туфайли муаммоларга дуч келмаяпмиз. Хавфсизлик техникасига доир турли тадбир, ўқув-семинарлар меҳнат билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, хавфсиз ва кафолатланган иш ўринлари учун замин яратилган. Уч погонали текширувлар мунтазам ўтказиб турилади.

Ходимлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган омилларни бартараф этиш юзасидан режали ишлар йўлга қўйилган бўлиб, маъмурият меҳнат муҳофазаси вакили таклифига биноан меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларини, талабларини бузган масъулларга нисбатан интизомий чоралар қўллаб келаётир.

Фикримча, ушбу вазифага масъул киши изланувчан, ташаббускор, бошқалар назаридан четда қолаётган масалаларни ҳам кўра билиши керак. Акс ҳолда жамоада вакилнинг ўрни сезилмай қолади. Жамоа шартномасига меҳнат шароити ва муҳофазаси бўйича учта таклиф киритган эдим. Уларнинг барчаси вақтида адо этилди. 12 та иш ўрнида шароит яхшиланиб, хавфсизлик кафолатланишига эришилди. Шунингдек, ходимларни зарур асбоб-анжомлар, махсус коржомалар билан таъминлаш диққат марказимизда. Етарли шароитга эга маиший хизмат хоналари, кийим шкафлари, ювиниш хоналари мавжуд.

Талаб даражасида иш шароити яратишнинг бир томони маблағга бориб тақалади, албатта. Бу муаммо иш берувчи хайрихоҳлиги боис тезда ҳал этилаётир. Айтмоқчи бўлганим, вакил ҳар қандай вазиятда муаммони маъмуриятга етказа олиши ва биргаликда бартараф этиш чорасини кўрмоғи зарур. Ана шундагина ишлар кўнгилдагидек ташкил этилади.

Ўлмас МАШАРИПОВ,
Пайариқ туман тиббиёт бирлашмаси меҳнат муҳофазаси вакили

МУРОЖААТ

МАСАЛАГА МУНОСИБ ЕЧИМ

> Мурожаатларни жойида ҳал этиш, керакли ёрдамни бериш етакчидан катта масъулият талаб қилади, албатта. Гарчи, ташкилотимизнинг имконияти катта бўлмаса-да, баҳоли қудрат кўмаклашишга ҳаракат қилаётирмиз.

Жорий йилнинг ўтган даврида ташкилотимизга учта ариза келиб тушди. Уларнинг биттаси меҳнат шартномасини бекор қилиш, иккитаси қўшимча дарс соатлари ажратилишини сўраб ёзилган. Ҳар учала масалада ҳам иш берувчи билан келишишга муваффақ бўлдик.

Фаолиятнинг ўтган беш йилида 55 та ёзма ва 25 та оғзаки мурожаат юзасидан бир фикрга келиш учун барча чоралар кўрилди. Айтмоқчи бўлганим, элликка яқин ўқитувчи жамоат ташкилоти эшиги ўзлари учун доим очиқ эканлигини билишади.

Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жамоа шартномасига мувофиқ ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳам ҳал этишга интилиб келаяпмиз. Ўтган давр мобайнида 21 нафар аъзога моддий ёрдам кўрсатилди, яна 12 нафар ходимимиз турли сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

Эндиликда ички туризмни ривожлантириш орқали ходимлар интеллектуал дунёсини бойитиш ҳаракатидамиз. Тўғри-да, тарихий қадамжолар, обод гўшаларни бориб кўришга ҳаммада ҳам имконият бўлавермайди. Бу касаба уюшма кўмагида амалга оширилаётгани кўпчиликка манзур. Маъмурият билан келишган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчиларни ёзги таътил чоғида Бухоро, Хоразм ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат уюштирилди. Жорий йилда бу ишни янада жонлантириш тадоригини кўраяпмиз.

Тажрибадан кўрдикки, бошланғич ташкилот имконият доирасида катта юмушларга қодир. Бундай жонкуярлик ҳамкасблар томонидан ҳамиша олқишлаб келинаётгани эса кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади.

А.МУРОДИМОВ,
Қўшработ туманидаги 85-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ХОДИМЛАР МАМНУН

> Қуйи ташкилотнинг ютуғи шундаки, доим одамлар орасида, улар билан ёнма-ён туриб ишлаймиз, ҳар бирининг фикру ўйи, оиласидаги қувончу ташвишига шерикмиз.

Жамоада меҳнат қилаётган ҳар бир ишчининг қадрдонига айланмасдан туриб, кўнглига йўл топиб бўлмайди. Бизга билдирилган ишонч айнан шуни тақозо этади.

Маъмурият ва бошланғич ташкилот ўртасида имзоланган жамоа шартномасига қўшимча бандлар киритишда ходимлар фикри албатта инобатга олинади. Ишчи-ходимлар саломатлиги ҳамиша эътиборда бўлиб, улар учун бепул тиббий кўрик ташкил этиш билан бирга, корхона тиббиёт хонасини қўшимча дори-дармонлар билан таъминлаяпмиз.

Меҳнат муҳофазаси борасидаги билим ва кўникмасиз хотиржам ишлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам корхонада хавфсизлик техникасига доир ўқув-семинар ўтказилиб, 195 нафар ходимнинг бу борадаги билими бойитилди. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 32 нафар ходим меҳнат муҳофазаси курсларида ўқитилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари дам олишини ташкил этишга ҳам масъулият билан ёндашиш лозим бўлган юмушлар сирасига киради. Бултур ходимларнинг 72 нафар фарзанди оромгоҳларда имтиёзли тарзда дам олдирилди. 3 нафар ходим Абу Али ибн Сино номли, 5 нафари "Чортоқ", 11 киши маъмурият ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги "Панма Гранд" сиҳатгоҳида соғлигини мустаҳкамлади.

Корхонамизда қўшимча иш ўринлари яратиш орқали ҳам ижтимоий муҳофазалашга эътибор қаратилмоқда. Янги қурилиб, ишга туширилган пилла қуритиш корхонасида 71 кишининг бандлиги таъминланди. Шунинг баробарида ҳудудда ҳаммом, тикувчилик цехи, сартарошхона фаолияти йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, завод маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти бор имкониятни ишга солган ҳолда ходимларга қулайлик яратишга интилаётир.

Гуландом НОСИРОВА,
Оқдарё туманидаги "Янгиқўрғонпахта" АЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

2015-yil 23-may, shanba, № 64 (3569), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

ХОТИРА — АЗИЗ, ҚАДР — МУҚАДДАС

Президентимизнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбати кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бу ҳақда газетхонларимиз таҳририятимизга ҳаяжонли мактублар йўлламоқда.



Ўза-Спутник

Жумладан, наманганлик **Мирзараҳмат Олимовнинг «Эъзозга муносиб»** мақоласида Наманган туманининг Хонобод қишлоғида яшовчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдусалом Раҳмоновнинг ибратли ҳаёт йўли қаламга олинади. Унда айтилишича, Абдусалом бобо 91 ёшда ҳам ҳамон тетик ва бардам. Тез-тез мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида бўлиб, суронли йиллар хотираларидан сўзлаб беради. Мақолада уруш фахрийсининг ушбу сўзлари келтирилади:

« — Президентимизнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатидаги қуйидаги фикрлари мени беҳад қувонтирди: «Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак!»

Мен 1942 йилда фронтга кетиб, 1949 йилдагина уйимга қайтдим. Урушни биз кўрдик, сизлар ҳеч қачон кўрманглар. Тинчлигимизга кўз тегмасин, илоҳим. Ҳозирда 8 фарзанд, 80 нафарга яқин невара, чевара, эваралар ардоғидаман. Президентимизнинг Фармони билан санаторийларда давлат ҳисобидан даволаниб, дам олаяпмиз. Бундан ортиқ эъзоз бўлиши мумкинми?»

Қашқадарёлик **Қаҳрамон Сайдалиевнинг «Чин инсон қиссаси»** мақоласида эса Касби туманида яшовчи 90 ёшни қаршилаётган Исохон бобо Азизовнинг 18 ёшида — 1944 йилнинг баҳорида урушга йўл олиб, Берлин остонасидаги жангларда қатнашгани ҳикоя қилинади. Исохон бобонинг ўша мудҳиш уруш фожиалари хусусидаги хотиралари, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш кераклиги ҳақида айтган фикрлари, айниқса, ёшларимиз учун ибратли.

Ёши улуғ инсонларга эътибор, ғамхўрлик жамиятнинг инсонпарварлик даражасини белгилайди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига кўрсатилаётган эҳтиром, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётини мазмунли қилиш, кўнглини кўтариш йўлида изчил ишлар амалга оширилаётир. Сирдарё тумани 3-ДНИ нотариуси **Барно Исломованинг «Хотира, қадр ва эҳтиром»** мақоласида Сирдарё вилоятида ташкил этилган «Саломатлик ҳафталиги» доирасида 1456 нафар фахрийнинг тиббий кўрикдан ўтказилгани ҳақида хабар берилган. Шунингдек, "Кутилмаган ташриф" лойиҳаси асосида Гулистон шаҳрида кексаларни эъзозлаш мақсадида бир гуруҳ ёлғиз ва боқувчисини йўқотган кимсаларга меҳр, мурувват, ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, ёшлар томонидан уларнинг томорқалари, ҳовли-жойлари тартибга келтирилаётгани, савобга йўғрилган бу ташрифдан кексалар ғоят миннатдор бўлишаётгани қаламга олинган.

ЎзМУ доценти **Мамлакат Жўрабоева «Яхшилар ёди»** мақоласида шундай ёзади: Яхшилар ёди унутилмайди. Эркин Абдиевнинг умр йўли ҳамон қалбларга эзгулик улашади. У барчага бир хил муносабатда бўлар, одам танламас, касбидан манфаат кутмасди. Домланинг инсоний сифатлари маҳаллада янада аниқ-ойдин кўринар, тўй, маърака, яхши-ёмон кунлар Эркин акасиз ўтмас, йиғинларда бош-қош бўлиб, катта-ю кичикни бирлаштиришга ҳаракат қиларди. Одамлардан ёрдамини аямасди.

Наманганлик жамоатчи мухбиримиз **Феруза Эрматова «Хотира — азиз, қадр — муқаддас»** мақоласида Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 60 нафар меҳнат фахрийси иштирокида ўтган маданий-маърифий тадбир ҳақида сўз юритади. Ушбу илм масканини 23 йил бошқарган меҳнат фахрийси Ҳошимжон Қосимов тилидан келтирилган қуйидаги сўзлар тадбир моҳияти ҳақида тўлиқ тасаввур беради: «Ушбу даргоҳга тамал тошини қўйган инсонларнинг кўпи ҳозирда орамизда йўқ. Улар ҳаққига қанча кўп дуо қилиб, меҳнат ва шижоатини келажак авлодларга ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди».

Шунингдек, муаллиф коллежда Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб ташкил этилган "Устозлар хиёбони" спорт майдонида қизлар ўртасида Хотира турнири бўлиб ўтгани, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирлангани ҳақида ёзади.

Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси — **Даврон Раҳимов «Меҳрдан яралган дунё»** мақоласида меҳнат фаолиятини эл саломатлиги йўлида бахшида этган, юзлаб шифокорларга устозлик қилган Ислом ота Исмоиловнинг эзгуликка йўғрилган хайрли ишларини қаламга оларкан, шундай ёзади: «Касбидан обрў топган терапевт-кардиолог Ислом ота Исмоилов мустақиллигимиз шарофати билан 1995 йилда хусусий шифохона очди ва уни "Кардиомед шифо" деб номлади. Ўндан ортиқ иш ўринлари яратилди. Тез орада шифохона довруғи овоза бўлиб, қўшни вилоятлардан ҳам беморлар келиб, дардларига шифо топиб кетишадиган бўлишди... Бугунги кунда Ислом отанинг шогирдлари Имом Ҳакимов, Муҳиддин Рамазонов, Саломат Изомова, Дилором Исмоилова ва бошқалар устоз кўрсатган йўлдан бориб, эл ҳурматига сазовор бўлмоқдалар».

Ҳа, инсон зоти борки кечаги кун сабоғи, бугуннинг тинчлиги ва хотиржамлиги, эртанинг умиди билан яшайди. Тинчлик қарор топган юртдагина хотиржамлик ҳукм суради, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш бўлади. Одамларнинг бир-бирига ишончи ва самимияти ортади. Ана шундай фикр-мулоҳазалар Қамаши туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси **Бойжумурод Авазовнинг «Болта муаллим»**, сирдарёлик **Зебо Ҳайдарованинг «Мурувват»** мақолаларида ўз аксини топган.

Таҳририятимизга келаётган бундай хат-хабар ва мақолалар газетамизни бундан-да қизиқарли ва мазмундор қилиб чиқаришда сув ва ҳаводек зарур эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Муштарийларимизга миннатдорлик билдирган ҳолда уларнинг сафи янада кенгайишига умид боғлаб қоламиз.

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими



Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ўринбой ота Узоқов бу йил 95 ёшни қарши олди. Фарғона вилояти Фурқат тумани "Шойимбек" МФЙда истиқомат қилувчи табаррук инсон давлатимиз томонидан фахрийларга кўрсатилаётган эътибордан беҳад мамнун.

Ўринбой ота ва Ўғилой онанинг турмуш қурганига 70 йил бўлди. Улар 7 нафар фарзандни вояга етказиб, юрт равнақига ҳисса қўшадиган инсонлар қилиб тарбиялашди.

Мустақиллик йилларида бобонинг меҳнати ва матонати давлатимиз томонидан муносиб қадрланди. Президентимиз Фармонига мувофиқ Ўринбой Узоқов "Жасорат" медали ва "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан тақдирланди.

— Биз орзу қилган замонлар келди. Бугунги дориламон кунларда, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган жаннатмонанд юртда яшаётганимизга ҳамиша шукрона келтираман. Мустақиллик туфайли шундай ҳаётга эришдик, — дейди Ўринбой ота Узоқов. — 33 невара, 54 эвара, 4 чевараниng бобосиман. Уларга ҳавасим келади. Истиқлол фарзандлари бўлган невара-чевараларимнинг ўз орзусини амалга ошириши учун барча имконият мавжуд. Уларга мустақиллик, тинчлик ва барқарорлик халқимизнинг бебаҳо бойлиги экани, унинг ҳар бир лаҳзасини қадрига етиб яшашни уқтираман.

Мафтуна ЎРИНБОЕВА,
Қўқон давлат педагогика институти талабаси

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

АЛИМЕНТ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Савол: Собиқ турмуш ўртоғим билан ажрашганимизга 10 ой бўлди. Шунча пайтдан бери икки нафар фарзанди учун алимент пулларини тўламай келаяпти. Олдига борганимда қўлимга 200 000 сўм бериб, "сен билан ҳисоб-китобимиз тамом" деб айтди. Аслида, фарзандлари учун қанча алимент тўлаши керак?

Н.ХОЛБОЕВА,
Самарқанд шаҳри

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасига асосан агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади.

Айтайлик, алимент тўлаши керак бўлган фуқаронинг ойлик иш ҳақи ёки ойлик даромади 1000 000 сўм деб баҳоланган. Бунда агар фуқаро бир фарзанд учун алимент тўлаши керак бўлса, 250 000 сўм, икки фарзанд учун 333 333 сўм, уч ёки ундан ортиқ фарзанд учун 500 000 сўм миқдорида алимент тўлайди.

Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволи ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Алиментдан қарздор бўлган шахс шу даврда ишламаган бўлса ёки унинг иш ҳақи ва даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақтда алимент Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача иш ҳақининг миқдори бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Бугунги кунда ушбу миқдор қуйидагича ҳисобланади: битта бола учун ҳар ойда 189 724 сўм, иккита бола учун 252 965 сўм, уч ва ундан ортиқ бола учун 379 448 сўм.

Шундан келиб чиққан ҳолда, собиқ турмуш ўртоғингиз фарзандлари учун қанча алимент тўлаши кераклиги суд томонидан белгиланган бўлиши керак.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ЧЕК БЕРМАСА, ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Савол: Харид қилган маҳсулотим яроқсиз чиқди. Дўконга қайтариб олиб борсам, касса чеким йўқлиги туфайли алмаштириб беришмади. Айтишларича, чекни сотувчидан талаб қилиб олмаганим учун ўзим жавобгар ҳисобланарканман. Шу тўғрими?

С.ОРТИҚОВ,
Марғилон шаҳри

Жавоб: "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига кўра олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади. Чек сотувчи томонидан харидор чекни сўрайдими-йўқми унга топширилиши шарт. Чекни ўз вақтида харидорга топширмаган сотувчи юқоридаги қонун билан бирга Солиқ кодексининг 114-ҳамда 119-моддалари талабларини ҳам бузган ҳисобланади. Унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 30 баробаригача миқдорда жарима қўлланиши мумкин. Шу билан бирга техник талабларга жавоб бермайдиган назорат касса машиналаридан фойдаланганлик, пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилишни рад этганлик учун ҳам жарима жазоси кўзда тутилган.

Юқоридаги каби ҳуқуқбузарликка дуч келсангиз, давлат солиқ инспекцияси ёки истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилишингиз мумкин.

А.НЎЪМОНОВ,
Марғилон шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассиси

ЭЪЛОН

ЎзКУФК Юридик клиникасида фаолият олиб бориш учун кўнгиллилар таклиф қилинади

Фуқароларга меҳнат соҳасига оид масалалар бўйича бепул юридик хизмат кўрсатиш, кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида меҳнат соҳасига оид халқаро ва миллий стандартларни тарғиб этиш, уларнинг бу соҳадаги билимларини ошириш, ҳуқуқни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, демократик қадриятлар, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига содиқлик руҳида тарбиялаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида Юридик клиника ташкил этилган.

Ҳозирги кунда клиника қуйидаги йўналишларда фаолият олиб бормоқда:

Ижтимоий-ҳуқуқий фаолият — фуқароларга ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаш ва амалга оширишда амалий, бепул юридик (консултатив) хизмат кўрсатиш;

Ахборот-тарғибот фаолияти — кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида меҳнат соҳасига оид халқаро ва миллий стандартларни тарғиб этиш;

Ўқув-тарбиявий фаолият — клиника кўнгиллиларини халқаро ва миллий стандартларга оид билимларини ошириш, ҳуқуқни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, демократик қадриятлар, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига содиқлик руҳида тарбиялаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш;

Илмий-тадқиқот фаолияти — Юридик клиника мураббийлари ва кўнгиллилари томонидан ижтимоий-меҳнат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга доир илмий-таҳлилий мақолалар тайёрлаш ва ЎзКУФК муассислигидаги нашрларда эълон қилинишига кўмаклашиш.

Юридик клиникага биринчи галда юридик йўналишдаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари орасидан танлов асосида кўнгиллилар жалб этилади. Юридик клиникада тўлиқ амалиёт ўтаган талабаларга махсус сертификат берилади.

Агар сиз ҳам Юридик клиникада амалиёт ўтаб, ҳуқуқий билим ва кўникмаларингизни оширмоқчи бўлсангиз, унда тегишли тартибда анкета тўлдириб, бизга юборинг. Анкетани http://yk.uz сайти орқали юборишингиз мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба ва ўқувчиларини Юридик клиникада кутиб қоламиз.

ЎзКУФК Юридик бўлими

МАҚСАД САРИ

Мамлакатимизда биринчи парвоз 1923-1924 йиллари Тошкентдан Душанбе, Бухоро ва Хива йўналишлари бўйича амалга оширилган. Юртимиз мустақилликка эришгач, 1992 йил 28 январда Президентимиз фармонига биноан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ташкил этилди. Мазкур авиакомпания маҳаллий ҳамда халқаро ҳаво йўлларида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Унда маҳоратли ва тажрибали учувчилар фаолият юритмоқда. Юқори даражадаги касбий малакага эга бўлиш талаб этиладиган учувчиликнинг ўзига яраша қийинчилиги, масъулияти бор. Эътибор нафақат таълимга, балки учувчилар, борт кузатувчилари, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутахассисларни етказиб бериш ҳамда ходимлар малакасини узлуксиз оширишга ҳам қаратилган.

— Болалигимда осмонда учаётган самолётни кўриб, уни қандай бошқаришга жуда қизиқар, катта бўлсам, албатта, учувчи бўламан, деб ният қилардим, — дейди Маҳмуд Қаршиев. — Йиллар давомида орзуларим мақсадга айланди. Айни пайтда Тошкент давлат техника университетининг авиация факултетида таҳсил олаяпман. Қачонки олинган назарий билимлар амалиёт билан уйғунлашса, ўз самарасини беради. Бу борада менга устозларим Алексей Каримов, Еркин Сагдулиннинг бераётган сабоқ ва йўл-йўриқлари яқиндан ёрдам бермоқда. Келгусида мазкур соҳада электр таъминоти бўйича мутахассис бўлиб, авиациямиз ривожига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Дарҳақиқат, мусаффо осмонимиз узра учаётган "пўлат қушлар"га боқиб, қалбимиз беихтиёр ғурур ва фахрга тўлади. Ушбу осуда кунларимизга шукроналар айтамиз.

Покиза ТУРДАЛИЕВА,
ЎзМУ талабаси

МАКТУБ

Юртимизда спорт ривожига қаратилаётган эътибор ҳар қанча мақтовга лойиқ. Шаҳару қишлоқларимизда қад кўтарган спорт иншоотлари, уларда шуғулланаётган ёшларни кўриб ҳавасингиз ортади. Спортчиларимиз орасидан кўплаб чемпионлар, нуфузли халқаро мусобақалар совриндорлари етишиб чиқаётгани эса барчамизга фахр бағишлайди.

ТЕНГДОШЛАРГА ТЕНГЛАШСАК...

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Пўлатчи ҚФЙга қарашли «Катта Найман» ва «Кичкина Найманча» маҳаллаларида истиқомат қилувчи биз, ёшлар ҳам шундай тенгдошларимиз каби мамлакатимиз шарафини жаҳон майдонларида ҳимоя қилишни орзу қиламиз. Аммо бизни кўпдан бери бир муаммо қийнамоқда. У ҳам бўлса, қишлоғимизда спорт билан шуғулланиш учун шароитнинг йўқлигидир. Аслида, бир пайтлар «Катта Найман» маҳалласи ҳудудида стадион ва спорт майдончалари қуриш учун ер майдони ажратилган бўлиб, ҳозир унинг маълум қисмини ноқонуний қурилган уй-жойлар эгаллаган бўлса, қолгани чиқиндихона ва мол-ҳол боқадиган жойга айланган.

Бу масалада туман ҳокимлиги ва вилоятдаги мутасадди идораларга мурожаат этдик. Келиб текшириб, стадион ва спорт зали қуриш ҳақида ваъда беришди-ю, бироқ ҳозиргача унинг натижасини кўрганимиз йўқ. Мамлакатимиз миқёсида кўплаб спорт иншоотлари барпо этилаётган бир пайтда бизнинг қишлоғимиз ёшлари эътибордан четда қолаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Ахир биз ҳам чиройли залларда спорт билан шуғулланишни хоҳлаймиз. Шаҳарда яшовчи ёки бошқа жойлардаги тенгдошларимиздан қаеримиз кам?

Жисмоний тарбия ва спорт соғлом турмуш тарзининг асосий омили ҳисобланади. Юртбошимизнинг болалар спортини ривожлантириш борасида улкан ғамхўрлик кўрсатаётгани замирида ҳам ана шу мақсад мужассам. Айниқса, қишлоқларда бу йўналишда эътиборли ишлар амалга оширилаётгани сир эмас. Умидимиз шуки, маҳаллий раҳбарлар бизнинг иштиёқ ва интилишимизни тезроқ тушуниб етишса-ю, ҳудудимизда спорт мажмуалари қурилиб, машғулотларга қатнашиш учун етарли шароитларга эга бўлсак.

Шарифбой ҲАМИДОВ,
Нодир РАҲМОНОВ,
Фаррух АБДУЛАЗИЗОВ,
Ислом БОБОЕВ
ва бошқалар

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи: **1. ЛОТ – 1**

ЛОТ- 1.1. "Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Яйпан маркази А.Қаҳҳор кўчасидаги 2-сонли болалар боғчаси биносини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи — **401 203 970 сўм ҚҚС билан; 334 336 641 сўм ҚҚС киз.**

ЛОТ-1.2. "Фарғона вилояти Учкўприк тумани Капақўчқор ҚФЙдаги 22-сонли болалар боғчаси биносини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи: **367 420 761 сўм ҚҚС билан; 306 183 967 сўм ҚҚС киз.**

ЛОТ-1.3. "Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Бўтқачи қишлоғидаги 18-сонли матабгача таълим муассасаси биносини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи: **366 505 682 сўм ҚҚС билан; 305 421 401 сўм ҚҚС киз.**

Муддати — **01.08.2015 йил.**

2. ЛОТ – 2

ЛОТ-2.1. "Фарғона вилояти Марғилон шахридаги 35-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи — **510 851 572 сўм ҚҚС билан; 425 709 644 сўм ҚҚС киз.**

ЛОТ-2.2. "Фарғона вилояти Марғилон шахридаги 32-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи — **329 585 225 сўм ҚҚС билан; 274 654 354 сўм ҚҚС киз.**

ЛОТ-2.3. "Фарғона вилояти Риштон туманидаги 15-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи — **246 429 327 сўм ҚҚС билан; 205 357 772 сўм ҚҚС киз.**

Муддати — **01.08.2015 йил.**

3. ЛОТ - 3

ЛОТ-3.1. "Фарғона вилояти Риштон туманидаги 24-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш"

Бошланғич нархи — **535 857 923 сўм ҚҚС билан ва 446 548 269 сўм ҚҚС киз.**

ЛОТ-3.2. "Фарғона вилояти Бешариқ тумани Бешариқ марказидаги 5-сонли болалар боғчасини мукаммал таъмирлаш"

Бошланғич нархи — **305 131 161 сўм ҚҚС билан ва 254 275 967 сўм ҚҚС киз.**

ЛОТ-3.3. "Фарғона вилояти Сўх тумани Қизилқиёқ қишлоғидаги 90 ўринли 12-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш"

Бошланғич нархи — **253 025 598 сўм ҚҚС билан ва 210 854 665 сўм ҚҚС киз.**

Муддати — **01.08.2015 йил.**

Қурилиш-монтаж ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 100%.

Манзил: Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй, тел.(373) 401-52-03, 401-52-01 (факс).

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90 (92), 98-276-25-48. Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади), Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси 2015 йил манзилли қурилиш дастурига киритилган қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

Лот - 41. «Бухоро вилояти, Когон шахридаги саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш» (II-этап. Устахона ва спорт зал мажлислар зали билан)

Буюртмачининг бошланғич қиймати — 1 037 853 230 сўм (ҚҚС билан), 864 878 000 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2015 йил 1 декабр.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Таклифлар (оферталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

«Қашқадарё ИИБ тасарруфидаги Китоб тумани «Мингчинор» дам олиш масканини капитал таъмирлаш» бўйича қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1.168.389.855 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 973.658.213 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 5 ой.

Буюртмачи: Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси.

Манзили: Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 47-уй. Телефон: (0-375) 221-08-83.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Ички ишлар Вазирлиги махсус фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат "Қурилиш – пудрат ташкилотлари реестри"га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - «Даваархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-"А" уй. Тел.:/Факс: (0-375) 224-05-24, 224-18-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва соати.

Танлов таклифлари эълон чоп этилгандан кундан бошлаб 30 кундан сўнг Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 47-уйда очилади, куни ва соати талабгорларга қўшимча хабар берилади.

Хизматлар лицензияланган.

"Universal Realtor" МЧЖда 2015 йил 12 май куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида "UzGazOil" МЧЖга қарашли Фарғона вилояти, Риштон тумани, Риштон ҚФЙ, Қалайнав қишлоғида жойлашган 104-сонли АЁҚШ 76000000 сўмга; шунингдек, 2015 йил 23 апрел куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида: «Turon-Dadol» ф/х қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Унқўрғон ҚФЙ, Чеҳра кўчасида жойлашган дала шийпони, омборхона биноси, 650 туп олхўри, 6 туп ўрик, 5 туп ёнғоқ, 12 туп бодом дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар 50000000 сўмга; «Do'rmon-Ibragimov Hamidulla» фермер хўжалигига тегишли Тошкент вилояти Қибрай тумани, Қипчоқ ҚФЙда жойлашган 130 туп гилос, 1257 туп олма, 766 туп олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар 4000000 сўмга; «Ittifoq Raximova Umidaxon» ф/х балансида бўлган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ ҳудудида жойлашган 180 туп олхўри, 150 туп гилос дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар 7300000 сўмга сотилганини маълум қилади.

Хизматлар лицензияланган.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **ЛОТ №20**

Лот №20-1. «Капитальный ремонт здания центра культуры и отдыха населения ССГ «Сентоб» село «Темирковук» Нуратинского района Навоийской области».

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 459 442 184 сум, с НДС 551 330 621 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **4 месяца.**

Лот №20-2. «Капитальный ремонт здания центра культуры и досуга населения поселка «Кескантерак» Навбахорского района Навоийской области».

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 499 649 343 сум, с НДС 599 579 211 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **4 месяца.**

Лот №20-3. «Капитальный ремонт здания центра культуры и досуга населения поселка «Саховат» Хатирчинского района Навоийской области».

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 433 133 470 сум, с НДС 519 760 160 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **4 месяца.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств местного бюджета.**

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

По объекту: **ЛОТ №21**

Лот №21-1. «Капитальный ремонт здания центра культуры и отдыха досуга населения в г.Учкудук Учкудукского района Навоийской области».

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 491 667 517 сум, с НДС 590 001 020 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **4 месяца.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств местного бюджета.**

Лот №21-2. **«Строительство скважины вертикального дренажа с целью понижения горизонта грунтовых вод по Навоийской области: на территории улицы «Бунедкор» в махали «Фуркат» р/ц Кизилтепо, на территории махали «Бирлик» р/ц Канимех, на территории школы №85 р/ц Хатирчи, на территории улицы «Навруз» в махали «Гулзор» р/ц Кизилтепо».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 345 611 753 сум, с НДС 414 734 104 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **4 месяца.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета.**

Заказчик **ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навои, ул.Навоий 63.**

Лот№21-1 (при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

Лот№21-2 (конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Х.Дустлиги 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

Услуги лицензированы.

"Respublika mulk markazi" АЖ "Poytaxt filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога ЎзР ФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг 2015 йил 12 мартдаги 6-О-сонли буйруғи ва 2015 йил 21 майдаги 02-216-сонли буюртманомасига асосан, ЎзР ФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институтига тегишли, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй манзилида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 951 САА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 10 920 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 22 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 19 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2015 йил 22 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 7, 22 июл ва 6 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 7 июлдаги савдо учун 3 июл куни соат 18:00; 22 июлдаги савдо учун 20 июл куни соат 18:00; 6 августдаги савдо учун 4 август куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ипак йўли банки" ОАИКБ Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 001580.

Хизматлар лицензияланган.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 5 июндаги 141 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 8 майда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 55-уй ёнида жойлашган, умумий майдони 1099 кв.метр бўлган, Савдо дўкони бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 1 291 025 500 сўм, сотилиш баҳоси — 2 540 000 000 сўм.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 19 августдаги 219 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 11 майда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 34-уйда жойлашган, Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 1 831,0 кв.метр бўлган, Маиший хўжалик бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 1 603 366 230 сўм, сотилиш баҳоси — 1 880 000 000 сўм.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 26 августдаги 230 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 12 майда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўрасотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси 31-уйда жойлашган, умумий майдони 422 кв.метр бўлган, собиқ "Зумрад" дўкони биноси, бошланғич баҳоси – 1 653 002 000 сўм, сотилиш баҳоси– 1 910 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Асака банк" ДАТ Жиззах вилоят филиали

қуйидаги объект бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

"Жиззах шаҳридаги "Асака банк" ДАТ Жиззах вилоят филиали биноларини капитал таъмирлаш"

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚС киз **533 734,556** минг. сўм, ҚҚС билан **640 481,467** минг. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: **2015 йил 15 октябргача**

Молиялаштириш буюртмачи маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 115-уй.

Телефон: (0372) 226-34-90.

Диққат! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан кўп бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устунлик берилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.

Ушбу объектда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдосида фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх **преференциялари** кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел:/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати - оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш., Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 63-уй (вилоят ҳокимлиги биноси) Жиззах вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази (426-хона).

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 23 июн куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Бухоро солиқ коллежининг 13.05.2015 йилдаги № 04-345-сонли буюртма-хатига асосан коллеж ҳисобидаги бошланғич баҳоси 4 600 000 сўмдан иборат бўлган, 2004 йилда и/ч «Матиз» русумли д/р 80/ 757 LAA автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари **(байрам ва дам олиш кунларидан ташқари)** 22.06.2015 йилга қадар соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. **(13:00 дан 14:00 гача тушлик)**.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali, СТИР 302523082, МФО 00115, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali.

Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ 2015 ЙИЛГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС киз (сўм)	Қурилиш муддати
1	Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги Сирдарё вилоят бўлими маъмурий биносини капитал таъмирлаш	661 072 061 сўм	550 893 385 сўм	220 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Ўз маблағлари ҳисобидан

Буюртмачининг манзили: – Сирдарё вилояти, Гулистон ш., Навоий кўчаси, 64 уй. Тел: (0367) 225-24-26

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда, қурилиш пудрат ташкилотлари Реестрига киритилмаган ташкилотларнинг танлов савдоларда иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: тел (факс): (0 3672) 27-64-42.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 112 740 сўм.

Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда эълон берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази биносида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Акрам Ориповга отаси

Ором ота ОРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БАХТЛИ БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси асосида ихтисослаштирилган оромгоҳларни кўпайтириш ва улар фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айни чоғда тайёргарлик жараёни фақат мавсум давомидагина эмас, балки йил мобайнида назорат қилиб борилаяпти. Тайёргарлик босқичи Республика комиссияси томонидан икки маротаба, жойлардаги комиссиялар томонидан уч-тўрт марта муҳокама этилгани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларда замонавий шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам диққатга сазовор. Республика оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурлар асосида 9 та оромгоҳ янгидан қурилди, 27 тасида реконструкция ишлари олиб борилди ва 45 та оромгоҳ капитал таъмирланди. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Бўстонлиқ туманида "Ниҳол", Навоийда "Ишонч", Наманганда "Камалак", "Норин", Самарқандда "Чорчинор", Хоразмда "Шодлик" оромгоҳлари барпо этилиб, изчил фаолияти йўлга қўйилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати саъй-ҳаракати билан Жиззахда "Истиқлол", Ички ишлар вазирлиги томонидан Бўстонлиқ туманида "Оқтош" оромгоҳлари барпо этилди. Натижада, оромгоҳлардаги ўринлар сони 4 минг 856 тага кўпайди.

Болаларнинг овқатланиш рациони, уларнинг саломатлигини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор тобора кучайтирилмоқда. Бу йўналишда ҳам бир қатор янгиликлар жорий қилинди. Хусусан, таом турларини кўпайтириш, дармондорига бой дамламалардан фойдаланиш кўзда тутилган. Самарқанддаги "Юлдузча" оромгоҳида синовдан ўтказилган ушбу тажриба жорий йилдан барча оромгоҳларга татбиқ этилади.

Бу йил болаларни соғломлаштириш мавсуми 1 июндан бошланади. Мазкур даврда жами 1 минг 149 та оромгоҳ фаолият кўрсатади, шундан 213 таси стационар, 795 таси кундузги ҳамда 141 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир. Таъкидлаш керакки, мавсум давомида 287 минг 171 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Ушбу мақсад учун жами 39 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Бу йил ҳам ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш изчил давом эттирилади. Хусусан, Оролбўйи минтақасидан 4,5 минг нафар бола Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги сўлим оромгоҳларда бепул дам олади. Касаба уюшмалари томонидан 50 минг оила фарзандлари жамоа шартномалари ва келишувлари орқали бепул ҳамда имтиёзли, «Меҳрибонлик» уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчилари ва жисмоний имконияти чекланган болалар бепул йўлланма билан таъминланади. Қолаверса, 2 минг нафар она-болалар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлайди. Маҳаллаларда яшаётган кам таъминланган оилаларнинг 600 нафар фарзанди ҳамда ота-онасиз болалар бепул дам олиш имкониятидан фойдаланади. Касаба уюшмалари ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида Сариосиё ҳамда Узун туманларида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзанди бепул соғломлаштирилади.



Кундузги оромгоҳлар фаолиятини такомиллаштириш, мазмунан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Кундузги оромгоҳнинг кунлик фаолияти тажриба сифатида соат 8:00 дан 14:00 гача давом этиши кўзда тутилмоқда. Оромгоҳ ёзги майдонча сифатида ташкил этилиб, махсус дастурлар асосида болалар учун маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилади ва тўгараклар фаолият юритади. Болалар бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Шунингдек, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, қатор вазирлик ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда академик лицейлар ўқувчилари учун лицейларда, коллеж ўқувчилари учун турли ташкилотлар ва фермер хўжаликлари қошида соат 8:00 дан 14:00 гача меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари ташкил этилади. Бу ерда лицей ўқувчилари ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланса, коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдилар. Қолаверса, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари уюштирилади.

Болаларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган оромгоҳлар фаолияти янада такомиллаштирилаётганини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Бу йил юртимиз бўйича 220 та ана шундай оромгоҳ ташкил қилинади. Шундан 14 таси интеллектуал ривожлантириш, 14 таси ҳарбий-спорт, 8 таси ижтимоий-мослашув, 14 таси экологик-биологик, 14 таси техник ижодкорлик, 14 таси бадиий ижодкорлик, 141 таси эса меҳнат ва дам олиш оромгоҳи сифатида фаолият юритади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бир неча йилдан буён Тошкент вилоятидаги "Қуёшли" оромгоҳида интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи фаолияти йўлга қўйиб келинмоқда. Бу йил ушбу масканда турли фанлар бўйича ўтказилган "Билимлар беллашуви"нинг 500 нафар ғолиби бепул соғломлаштирилади. Эътиборлиси, бундай оромгоҳлар бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этилади.

Мавсумни самарали ўтказишда вазирликлар ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари фаоллик кўрсатаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги томонидан оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ходимлар бириктирилди, уларга автотранспорт ҳамда алоқа воситалари ажратилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан барча оромгоҳларда таълим-тарбия жараёнини мазмунли ташкил этиш, малакали кадрларни йўналтириш чоралари кўрилди. Шу мақсадда 5 та ўқув-услубий қўлланма чоп этилди. Айниқса, тўгаракларни ташкил қилишга жиддий эътибор қаратилиб, чет тилини ўргатиш ва ихтисослаштирилган оромгоҳлар дастурлари янада кенгайтирилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан оромгоҳларда тиббий хизмат кўрсатилиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини мунтазам назорат қилиш чоралари белгилаб олинди.

Оромгоҳларда тубдан янгиланган дастурлар асосида тарбиявий ишларни олиб бориш, болалар маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар, акциялар ўтказилади. "Мустақиллик — менинг тақдиримда", "Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати", "Касаба уюшмалари — болаларга" акциялари шулар сирасидандир. Ёзувчилар, санъаткорлар, спорт усталари, ёши улуғ инсонлар билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилади.

Шуни ҳам айтиш зарурки, оромгоҳлар фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган таҳлиллар натижасида ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари учун болаларга мос қўшиқ, шеър ва мусиқаларга эҳтиёж мавжудлиги аниқланган эди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг январ — апрел ойларида Республика ижодий танлови ташкил қилинди. Тақдим этилган 600 дан ортиқ ижодий ишлар орасидан 30 дан зиёд қўшиқ, 100 дан ортиқ шеърлар танлаб олинди. Оромгоҳларда миллийлик ҳамда ватанпарварлик руҳига йўғрилган куй-қўшиқлар, филмлардан фойдаланиш мақсадида болаларбоп шеър, куй-қўшиқлардан иборат дисклар, "Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари учун тадбирлар сценарийлари" тўпламлари ишлаб чиқилиб, дам олиш масканларига етказилди. Услубий қўлланмалар, тавсиялар, 37 та номдаги ҳужжатли ва бадиий филмлар, мултфилмлар билан ҳам таъминланди.

Сирасини айтганда, Республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта ва уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилмоқда. Бу юртимизнинг эртанги куни бўлган ўғил-қизларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаб олишлари, пировардида таътилни мазмунли ўтказишларига замин яратади. Зеро, шу азиз Ватан ардоғида камолга етган ёш авлод ғамхўрликдан руҳланиб, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар салмоғини янада оширишга, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини бундан-да юксалтиришга интилиши, шубҳасиз.

Танзила НАРБАЕВА,
Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи раиси ўринбосари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 22 май сонидан олинди.)

Спорт янгиликлари

БОКС

Юртимиз бокс терма жамоаси аъзоси Ҳасанбой Дўстматов кейинги йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритган илк ўзбекистонлик боксчига айланди.

ҲАСАНБОЙ БРАЗИЛИЯГА БОРАДИ



У ҳаваскор-профессионал боксчилар йўналишида (WSB) мавсум давомида ўтказилган баҳслар натижасида йўлланмага эга бўлди. Дўстматов «Украин атаманлари» жамоасида иштирок этиб, жаҳон рейтингида 49 кг. вазн тоифасида иккинчи ўринни эгаллади.

Қайд этиш жоиз, Олимпиада йўлланмаси ҳар бир вазн тоифасида энг кучли икки спортчига берилади.

ПАРАЛИМПИЯ ЙЎЛЛАНМАЛАРИ

Сеул шаҳрида ўтказилган Жаҳон ўйинлари ва чемпионатида мамлакатимиз паралимпиячилари муваффақиятли иштирок этиб, 5 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалга сазовор бўлганди.

САФ КЕНГАЙМОҚДА



Мазкур мусобақаларда юртимиз енгил атлетикачилари ҳам муносиб иштирок этиб, бир қатор нормативларни бажаришга муваффақ бўлишди.

Халқаро Паралимпия қўмитасидан Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясига келган мактубда, мамлакатимиз енгил атлетикачилари яна икки йўналиш бўйича белгиланган нормативларини бажариб, 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да ўтказиладиган XV ёзги Паралимпия ўйинларига йўлланма олганликлари маълум қилинган.

Шу тариқа, Ўзбекистон спортчиларининг мазкур Паралимпия ўйинларига қўлга киритган йўлланмалари сони 21 тага етди.

Энг кўп — 9 та йўлланмага енгил атлетикачиларимиз сазовор бўлишган. Дзюдо усталари 8 та йўлланмани нақд қилиб қўйишган бўлса, сузувчиларимиз ҳисобида 3 та лицензия мавжуд. Яна бир йўлланмага Сервер Ибрагимов ўқ отиш бўйича эга бўлган.

А.АРСЛОНОВ

Ҳурматли юртдошлар! Муҳтарам пойтахтимиз меҳмонлари!

РЕСПУБЛИКА КИТОБ БАЙРАМИ

*Республикамиз аҳолисининг, айниқса, ёш авлодининг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2015 йилнинг 28-30 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида **"Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор"** шиори остида Республика "Китоб байрами" ўтказилмоқда.*

Сайл тарзида ташкил этиладиган байрам тадбирларида адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китобларнинг тақдимотлари, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар тарғиботига бағишланган нашрлар намойиши, "Намунавий китоб дўкони" республика кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ҳамда таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, санъат усталарининг концертлари бўлиб ўтади.

28 май куни "Китоб байрами" доирасида "Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси" мавзуидаги III илмий-амалий конференция ҳам ўтказилмоқда.

Барча китобсеварларни анъанавий Республика "Китоб байрами"га таклиф этамиз!

Маълумот учун телефон: 244 -12- 61, 244-32-33

ЖАҲОН ГИМНАСТИКА ЮЛДУЗЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мақомига кўра Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатига яқин турадиган бундай юксак савиядаги бадиий гимнастика мусобақалари Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилаётгани йўқ. Тошкент шаҳри бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичлари, 2010 ва 2013 йилларда Осиё чемпионати, 2014 йилнинг апрел ойида спорт гимнастикаси бўйича қитъа чемпионатига мезбонлик қилгани мамлакатимизда спорт, хусусан, гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган тайёргарлик дастурига кўра, гимнастика ҳам мамлакатимизда етакчи спорт турлари қаторидан жой олди. Гимнастиканинг Олимпия ўйинлари дастурига киритилган турлари — бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси ва трамполин бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашаётган спортчиларимиз кўрсаткичларини тобора яхшилаш, олимпия йўлланмаларини қўлга киритиш ҳамда Бразилияда бўладиган Олимпиада совриндорлари қаторидан ўрин олиш учун астойдил бел боғлашган.

Жорий йилги спорт мавсумида Ўзбекистон бадиий гимнастикачилари нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Грециянинг Афина шаҳрида ўтказилган "Aphrodite Cup — 2015" халқаро турнирида Ўзбекистон гимнастикачилари учтадан олтин ва кумуш ҳамда битта бронза медални қўлга киритди.

Яқинда Болгариянинг Варна шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чақирув кубогининг навбатдаги босқичида ҳамюртимиз Оксана Чусовитина олтин медалга сазовор бўлди. Бадиий гимнастика бўйича Францияда ўтказилган Гран-при турнирининг жамоавий баҳсларида иштирок этган терма жамоамиз аъзолари бронза медални қўлга киритди.

Тошкент шаҳрида бошланган бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги ва "Happy Caravan" халқаро турнирида дунёнинг энг кучли юзга яқин гимнастикачиси ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этмоқда.

— Мусобақа жуда юқори савияда ташкил этилган, — дейди италиялик гимнастикачи Литиция Чикконелли. — Ўзбекистонда бадиий гимнастикани ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Мамлакатингиз спортчилари жуда маҳоратли, мусобақага яхши тайёргарлик кўргани ҳам сезилиб турибди. Ушбу жаҳон кубоги босқичи ғоят аҳамиятли. Мен ҳам унда бор маҳоратимни намойиш этиб, ғалаба қозониш ниятидаман. Бу мусобақа ҳар бир иштирокчи ҳаётида ёркин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолишига ишончим комил.

Мазкур халқаро турнирнинг яккаликлар ўртасидаги баҳсларида Анора Давлатова, Нилуфар Шомуродова, Жасмин Юсупова, Елизавета Назаренкова, Анастасия Сердюкова ва Равиля Фархутдинова сингари гимнастикачиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Гуруҳ баҳсларида Луиза Ганиева, Марта Ростобурова, Зарина Қурбонова, Валерия Давидова ва Самира Амировадан иборат жамоамиз қатнашмоқда.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида катта концерт намойиш этилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Миллий ўйинлар қонқонимизга сингиб кетган. Уларнинг турлари кўп. Масалан, "Кўпкари", "Арқон тортиш", "Чир айланма", "Рўмол ташлаш", "Соққа ёки тош ташлаш", "Топар бўлсанг, топа қол", "Учтали тўптош" каби ўйинлар барчамизга таниш.

«УЧТАЛИ ТЎПТОШ»

Шу ўринда қизлар ўйини бўлган "Учтали тўптош" ҳақида тўхталсак. Дастлаб тўптош учун катталиги данакдек, қиррадор, оқ, қизил, кўк рангли чиройли тошлар йиғилади. Бундай тошлар ҳар бир ўйинчининг қўлида бўлади. Ўйин бошланишидан олдин қизларнинг бири қўлига битта тошни яшириб, дугонасига: "Тош қайси қўлимда, топинг", дейди. Дугонаси тошни топса, ўйинни бошлайди, тополмаса, тош яширган қиз бошлайди. Бу ўйиннинг соққаси учта тошдир. Тош ўйнай туриб "Отам овлар овлайди" сўзлари айтилади. Қиз ўйинни бошлашда учта тошни ўнг қўлининг олд-орқасига "Ҳар гулим" деб уч марта ўгиради. Тошлар ерга тушмаса, ўйинни давом эттиради. Тушиб кетса, дугонасига навбат беради. "Ҳаккалакам"да — қиз тошни қўлига ташлаб, биттасини олиб, осмонга ирғитади. Тош ерга тушгунча, ўнг қўлини бир ўпади. Тошлар навбат билан уч марта осмонга ирғитиб қўлга олинади. "Тергулим-термагулим" шартида эса соққа тош навбат билан уч марта осмонга ирғитилиб, ўйинчи аввал пешонасини силайди, сўнг қўлини ўпади, ердаги иккита тош бир гал ердан супуриб олинса, иккинчи гал териб олинади. Тошлар супуриб олинганда ҳам, териб олинганда ҳам "тергулим", "супургулим" сўзлари такрорланади. Ўйин шу тариқа давом этаверади.

Зайнура ТОШМУРОДОВА

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **22:45**
Topshirildi — **00:20**
1 2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq. Buyurtma Г — 515. 19209 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133